

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ, АУДИТ, ТАҲЛИЛ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш
шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит,
таҳлил ва назорат тизимларини
такомиллаштириш масалалари”**

Мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани

Тошкент 2021 йил, 15 октябрь

Ректорнинг кириш сўзи

Ассалому алайкум анжуман иштирокчилари, меҳмонлар ва қадрли устозлар!

Бугунги анжуманда мамлакатимизда карантин давом этаётган бўлишига қарамадан масофадан туриб ўзининг қимматли вақтини аямай иштирок этаётган ҳамкорларимиз, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси, аудиторлик ташкилотлари ходимлари ва амалиётчи-мутахассисларга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида чуқур иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли Қарори, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислох қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу анжуманнинг вазифаларидан биридир.

Айниқса, бугунги кунда давом этаётган коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига таъсири даврида Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш чора-тадбирларини самарали ташкил этишгага қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш янада муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит, таҳлил ва назорат тизимларини такомиллаштириш масалалари”мавзусидаги Республика миқёсида ўтказилаётган илмий-амалий анжуман мавзуси долзарб аҳамиятга эга.

Конференциянинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида аудит ва бухгалтерия ҳисобини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини сақлаш қаратилган илмий тақлиф ҳамда амалий тавсиялар шакллантиришдан иборат.

Ўйлайманки, анжуман давомида долзарб муаммолар чуқур таҳлил қилинади, қимматли фикрлар билдирилади ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бу борада конференцияда иштирок этаётган барча маърузачилар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-мутахассислар ва илмий изланувчиларга муваффақият тилаган ҳолда анжуманни очик деб эълон қиламан.

Этиборларингиз учун раҳмат!

ТДИУ Ректор
Профессор К. Шарипов

UO‘K: 658.1:657(575.1)

“Рақамли иқтисодийни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит, таҳлил ва назорат тизимларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги Республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари тўплами (хорижий қатнашчилар иштирокида) -Т.: ТДИУ, 2021. -340 б.

Илмий-амалий онлайн конференция тезислар тўпламига магистрантлар, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчи ва тадқиқотчилар, мазкур соҳа мутахассислари ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишлари киритилган. Ушбу илмий-амалий конференциянинг асосий мақсади бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни ривожлантириш ва МҲХСни қўллаш бўйича муаммоларни ҳал етиш ва унинг самарадорлигини оширишда еришилган ютуқларни муҳокама қилиш, оммалаштириш ҳисобланади. Онлайн конференция тўпламида молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг илмий назарий асослари, миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг аҳамияти, иқтисодийнинг турли тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни юритишда хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг роли каби масалаларга бағишланган илмий мақола ва тезислардан иборат.

Таҳрир хайъати раиси:

Шарипов К.А. – т.ф.д., проф.

Таҳрир хайъати аъзолари:

Эшов М.П. - и.ф.д., проф.

Абдурахманова Г.Қ. - и.ф.д., проф.

Бурханов А.У. - и.ф.д., проф.

Тўлахаджаева М.М.- и.ф.д., проф.

Абдусаломова Н.Б. - и.ф.д., проф.

Эргашева Ш.Т. - и.ф.н., проф.

Хажимуратов Н.Ш – - и.ф.д., доц.

Ҳасанов Б.А. - и.ф.д., проф.

Холбеков Р.О. - и.ф.д., проф.

Темиров Ф.Т. – и.ф.ф.д (PhD) доц.

Такризчилар:

Н.К.Ризаев – и.ф.д., проф;

К.Р.Хотамов – и.ф.д., проф.

Мазкур тўплагга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги келтирилган маълумотлар ва меърий ҳужжатларнинг тўғрилигига ҳамда келтирилган мустақил фикр-мулоҳазалар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Тошкент давлат иқтисодий университети, 2021.

1-ШЎБА.

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**1-СЕКЦИИ
ПЕРСПЕКТИВЫ ОРГАНИЗАЦИИ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УСЛОВИЯХ
ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**1-SECTIONS
PROSPECTS OF IMPROVEMENT AND ORGANIZATION OF
ACCOUNTING IN THE CONDITION OF DIGITAL ECONOMY**

Figure-1. Criteria for assessing the quality of investments of business entities according to the rule of "3 P"

We considered it necessary to include in investments, which are assessed as "satisfactory" in terms of profitability, investments that bring regular income and the level of income is not less than the interest on bank deposits. We have included in the category of "unsatisfactory" investments investments whose returns are lower than the current inflation rate or which have not been profitable for the last two years. The "Hopeless" investment group includes investments that have not been profitable for more than two years.

When assessing the liquidity of investments, it is taken into account how long they will be converted to cash. Based on the study of national and international experience, the groups consist of investments in the group of "highly liquid" with a maximum cash flow of up to two months, investments in the category of "medium liquidity" with cash flows of two to 12 months, and investments in "illiquid" with a turnover of more than 12 months.

The level of risk of any assets is directly related to their profitability and liquidity, and there is an inverse relationship between them. Therefore, "low" risk group investments can be "high liquid" and "satisfactory" investments. If investments' risks are too high, they will be related to the group of "illiquid" and "hopeless" investments. However, in practice, in some cases, even if the liquidity of investments is high, the return on investment may be "unsatisfactory". In such cases, the main focus should be on the purpose of the investment.

Omanov S. Q.

T.D.I.U "Moliyaviy tahlil va audit" kafedrasi tayanch doktoranti

ISHLAB CHIQRISH XARAJATLARI MOHIYATI VA UNING TAHLILINI RIVOJLANTIRISH

Korxonaning ishlab chiqarish xarajatlari deb, mahsulotni ishlab chiqarish bilan bog'liq xarajatlarga aytiladi. Ularga xom-ashyo, material, yoqilg'i, amortizatsiya ajratmasi, ishchi-xizmatchilarga ish haqi va mahsulot ishlab chiqarish bilan bog'liq boshqa xarajatlar kiradi.

Agar bir xil mahsulot ishlab chiqarish bilan bog'liq xarajatlarning jami summasini ishlab chiqarilgan mahsulot soniga taqsimlasak, ishlab chiqarilgan bir birlik mahsulotning tannarxini topamiz. Tannarx ko'rsatkichi korxonada faoliyatida muhim sifat ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. U qancha, past bo'lsa, ishlab chiqarish rentabelligi shuncha yuqori bo'ladi. Tannarxga korxonaning hamma xarajatlari qo'shilmaydi, ba'zi xarajatlari boshqa manbalar hisobidan qoplanadi. Masalan, foyda hisobidan davr xarajatlari qoplanadi.

Mahsulot ishlab chiqarish xarajatlari xarajat kalkulyatsiya moddolari bo'yicha ishlab chiqarish turlari, xarajatlarning vujudga kelish joylari, mahsulot turlari bo'yicha buxgalteriya hisobida aks ettiriladi. Xarajatlarni hisobga olish hamda mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishdan asosiy maqsad ishlab chiqarish

va sotish bilan bog'liq xarajatlarni o'z vaqtida, to'laligicha va haqqoniy aniqlash, shu bilan birga ayrim mahsulotlarning haqiqiy tannarxini hisoblash hamda korxonalar resurslari va pul mablag'lari ishlatilishi ustidan nazoratni o'rnatishdan iborat.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 5-fevraldagi 54-son qarori bilan tasdiqlangan "Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risida"gi Nizomning qabul qilinishi mamlakatimiz buxgalteriya hisobida tubdan o'zgarishlar bo'lishiga sabab bo'ldi. Ushbu Nizom xarajatlarning mohiyati, korxonaning hisobot davridagi foydasi bilan bog'liqligidan kelib chiqib taqsimlashni belgilab berdi.

O'zgaruvchan va doimiy xarajatlar to'g'risidagi ma'lumotlarni qo'llaydigan eng keng tarqalgan tahliliy instrumentlarga quyidagilar kiradi:

- «Xarajatlar-Xajm-Foyda» bog'lanishi tahlili;
- Marjinal daromad asosida narx shakllantirish;
- Muqobil variantni tanlash.

Ishlab chiqarish xajmi to'g'risida qaror qabul qilish uchun rahbariyatga ushbu qarorning bahoga, tushum va foydagi ta'sirini bilishi lozim. Mahsulot birligiga o'zgaruvchan xarajatlarni va belgilangan sotish xajmida umumiy doimiy xarajatlarni bilish korxonaning kutilayotgan foydasini hisoblash imkonini beradi.

Bunday yondashuvning bo'lmasligi xarajatlarni boshqarishda salbiy natijalarga olib kelishi mumkin. Masalan, bir sotish tarmog'i rahbariyatida bunday informatsiyaning yo'q bo'lishi ayanchli oqibatlariga olib kelishi mumkin. Ushbu tarmoq tarkibiga kiruvchi do'konlar xar bir hisobot davri oxirida foydani qayd etishardi. Ammo boshqaruvchi kompaniya tomonidan xarajatlar taqsimlangandan so'ng do'konlarning bir qismi doimo zarar bilan chiqar edi. Tarmoq rahbariyati zarar bilan chiqayotgan do'konlarni yopishga qaror qildi, ammo boshqaruvchi kompaniyaning xarajatlarining asosiy qismi doimiy xarajatlar ekanligini e'tiborga olmagan. Bunday qarorning natijasini oldindan bilish qiyin emas, do'konlar yopilganidan so'ng bosh kompaniyaning doimiy xarajatlari qolgan do'konlar o'rtasida taqsimlandi va natijada ular ham zarar bilan hisobot davrini tugatishdi.

Ta'riflangan «Xarajatlar-Xajm-Foyda» tahlili olingan tushumdan o'zgaruvchan xarajatlarni chegirish orqali aniqlanadigan marjinal daromad ko'rsatkichini hisoblash uslubiyoti bilan yaqin aloqada bo'ladi. Marjinal daromad ko'rsatkichi narx belgilashda keng qo'llaniladi. Marjinal daromad asosida qisqa muddatli narx belgilash bozorni qo'lga kiritish va ishlab chiqarilgan mahsulotning yangi birligidan tushum orqali barcha o'zgaruvchan xarajatlar va doimiy xarajatlarning bir qismini qoplash uchun qo'llaniladi. Zararsizlik nuqtasiga etgandan va barcha doimiy xarajatlar qoplangandan so'ng foydani qayd etish boshlanadi.

Zamonaviy sharoitda korxonalar har doim ham 100% quvvatda ishlamaydi. Shu sababli qo'shimcha buyurtmalarni olish imkoniyatining marjinal daromad ko'rsatkichi asosida tahlil qilish korxonaga ishlab chiqarish dasturini optimal tuzishga yordam beradi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, xar qanday tahlil ishonchli va operativ boshqaruv hisobotiga asoslanishi lozim. Ammo ko'p xollarda boshqaruv hisoboti va operativ byudjetlar faqat buxgalteriya hisobi ma'lumotlari asosida taxlil qilinadi. Bu boshi berk ko'chaga kirib qolish bilan barobardir. Chunki buxgalteriya hisoboti mehnat xaqi, qo'shilgan qiymat solig'i va sh.k. hisob-kitoblar sababli vaqt bo'yicha ancha kechga qoladi. Bir so'z bilan aytganda, korxonada boshqaruv hisobi to'liq amal qilishi uchun operativ va strukturaviy hisobot tizimini joriy qilish lozim.

1-jadval

Omuxta-yem ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil qilish²⁶

| Xarajatlar | Biznes-reja bo'yicha | | Haqiqatda | | Biznes-reja bo'yicha | |
|--|----------------------|-------------------|--------------------|-------------------|----------------------|-----|
| | Jami (ming so'mda) | 1 tn uchun (so'm) | Jami (ming so'mda) | 1 tn uchun (so'm) | | |
| Kalkulyatsiya qilinadigan mahsulotlar jami | 33 600 | | 34 230 | | (+ -) | % |
| Materiallar | 68 250 | 2031 | 31547 | 922 | 87 | 45 |
| Elektr energiya | 292 500 | 8705 | 302397 | 8834 | -156 | 101 |
| Amortizatsiya | 108 225 | 3221 | 97197 | 2840 | 380 8 | 88 |
| Mehnatga xaq to'lash | 1 238 035 | 36846 | 1151762 | 33648 | 952 | 91 |
| Yagona ijtimoiy to'lovi | 148 564 | 4422 | 135861 | 3969 | -700 | 90 |
| Umumiy ishlab chiqarish xarajatlari | 375 593 | 11178 | 389285 | 11373 | 378 3 | 102 |
| Boshqa xarajatlar | 1 785 556 | 53142 | 2064251 | 60305 | -12057 | 113 |
| Jami ishlab chiqarish xarajatlari | 4 016 722 | 119 545 | 4 172 299 | 121 890 | - 4282 | 102 |

Xarajatlar smetasi 2 % ga oshig'i bilan bajarildi. Xarajatlarning asosiy oshgan qismi elektr-energiya va umumiy ishlab chiqarish xarajatlari shuningdek boshqa xarajatlari hisobiga oshgan buning asosiy sababi narxlar oshishi bilan bogliq.

Ishlab chiqarish tannarxiga qo'shiladigan xarajatlar bular ishlab chiqarish yoki mahsulot (ishlar va xizmatlar) ni qaytadan ishlash jarayonida foydalaniladigan tabiiy resurslar, xomashyolar, materiallar, yoqilg'ilar, energiyalar, asosiy vositalar, mehnat resurslari, shuningdek ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan boshqa xarajatlarning qiymat bahosidir.

Bularga bevosita va bilvosita moddiy xarajatlar, bevosita va bilvosita mehnat xarajatlari, boshqa bevosita bilvosita xarajatlar, shu jumladan ishlab chiqarish xususiyatiga ega bo'lgan ustama xarajatlar kiradi.

Mahsulot (ishlar, xizmatlar) ning ishlab chiqarish tannarxini hosil qiluvchi xarajatlar ularning iqtisod mazmuniga ko'ra quyidagi elementlar bilan guruhlarga ajratiladi:

- 1) ishlab chiqarish moddiy xarajatlari;
- 2) ishlab chiqarish xususiyatiga ega bo'lgan mehnatga haq to'lash xarajatlari;

²⁶ «G'alla-Altog'» AJ biznes-reja tahlili ma'lumotlari asosida tuzildi.

- 3) ishlab chiqarishga tegishli bo'lgan ijtimoiy sug'urta ajratmalari;
- 4) asosiy fondlar va ishlab chiqarish ahamiyatiga ega bo'lgan nomoddiy aktivlar amortizatsiyasi;
- 5) ishlab chiqarish ahamiyatiga ega bo'lgan boshqa xarajatlar.

Shunday qilib, ishlab chiqarish faoliyati bilan bog'liq bo'lgan barcha xarajatlar mahsulot tannarxiga qo'shiladi. Bu o'z navbatida, ishlab chiqarish xarajatlarini hisobi bo'yicha quyidagi vazifalarni hal etish imkoniyatini beradi.

Demak, yuqorida aytilgan fikrlardan shuni xulosa qilish mumkinki, xarajatlar va tannarx bilan samarali boshqarishga amaliy jihatdan boshqatdan o'rganish va bu boradagi muammolarni ochib berish hozirgi kundagi dolzarb vazifalar qatoriga kiradi.

Хасанов Б. А.

ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси профессори, иқтисодиёт

фанлари доктори,

Илясов Б.С.

ТДИУ магистратура талабаси.

ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ НАТИЖАСИДА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мулкий шакли ва юридик мақомига кўра қурилиш ташкилотлари очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги қурилиш ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, Шунингдек ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади[1].

Мамлакатимизнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига биноан қурилиш ташкилотларининг фаолияти асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Асосий фаолиятга буюртмачилар учун бажарилган қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва жиҳозларни ўрнатиш, реконструкция, кенгайтириш, модернизация қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шунингдек ўз мақсадларида фойдаланиш ва сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари ва мосламаларини ишлаб чиқариш ва шу каби бошқа ишлар кирди. Уларнинг асосий бўлмаган фаолиятига қурилиш ташкилотларининг молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари киритилади.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ва статистик ҳисоб тизимининг яқуний босқичи натижаси сифатида тезкор, молиявий ва статистик

| | | |
|--|---|-----|
| Шодиев Э.Т. | Телекоммуникация компанияларида бизнес жараёнлар тавсифи ва уларни бошқарув ҳисобини ташкил этишга таъсири | 60 |
| Эргашева Ш.Т. Сайдуллаев Н. | Автотранспорт ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини такомиллаштириш | 63 |
| Boltayev A.S. | Biologik aktivlarni hisobga olish tartibini hisob siyosatida aks ettirishning xususiyatlari | 66 |
| Кокорев Н.А. Мишин П.Н. Сахаров Г.В. Бригадирова П.М. К.А. Тимирязева | Совершенствование отраслевой системы нормативного регулирования бухгалтерского учета государственных субсидий и других видов государственной помощи в сельскохозяйственных организациях в условиях цифровизации | 70 |
| Кулжанов О.М. | Эркин Иқтисодий Зоналардаги Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари | 74 |
| Кулжанов О.М. | Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисобини яхшилаш йўллари | 77 |
| 2-ШЎБА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АУДИТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ | | 81 |
| Ихатов Sh.I. | Auditda muhimlik tushunchasi va uni aniqlash | 82 |
| Кучаров А.С. Халикова Р.С. Набиева Н.Н. | Божхона аудитини ташкил этиш ва амалга оширишнинг таҳлили | 84 |
| Мамажонов А. Т. | Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини таҳлили масалалари | 87 |
| Ochilov O. I. | Investment quality analysis in business entities | 90 |
| Omanov S. Q. | Ishlab chiqarish xarajatlari mohiyati va uning tahlilini rivojlantirish | 92 |
| Хасанов Б. А. Илясов Б.С. | Пудратчи ташкилотлар иқтисодий ва молиявий салоҳияти таҳлили натижасида хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари | 95 |
| Xodjaeva M.H. Shukurov M. Q. | Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida moliyaviy natijalar auditining maqsadi va Manbalari | 98 |
| Turaeva S.F. | Risks in audit in the context of the development of the digital economy | 100 |
| Абдужаборова М.Т. | Рақамли иқтисодиёт шароитида сув таъминоти корхоналарида иқтисодий таҳлилнинг ахборот Таъминоти | 103 |
| Бозорова О.Р | Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг аҳамияти | 105 |